



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

20 21 -yil 8 - fevral

15 qp -son

Bog‘ot shaharchasi

1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 73-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан, Хоразм вилояти ҳоқими биринчи ўринбосарининг “Ўзбекистон “VETERAN” жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмасининг 2021 йил 27 январдаги 20/13 сонли хати тўғрисида”ги 2021 йил 5 февралдаги № 42-сонли баёни 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимиятига Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар тугатилганлигининг 32 йиллиги кенг нишонлаш ҳамда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган жангчи фахриларимиз сонидан келиб чикиб уларнинг шарафига сана муносабати билан байрамона дастурхон ёзилишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф ҳаражатларни коплаш учун 7150 минг сўм маблағ ажратилсин.

2. Туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4102 сонли қарорининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги 1-секторга канцелярия товарлари сотиб олиш ҳаражатлари учун туман ҳокимиятига 3314 минг сўм маблағ ажратилсин.

3. Туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги хавфсизлик кенгаши котибининг 4-86 хдфу сонли топшириғига асосан ўтказиладиган тадбир ҳаражатлари туман ҳокимлигига 4595 минг сўм маблағ ажратилсин.

4. Туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан А.Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбир ҳаражатлари туман ҳокимлигига 1451 минг сўм маблағ ажратилсин.

5. Туман Молия бўлими (Ж.Рўзметов) туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Туман Ғазначилик бўлинмаси (Ш.Қурбонов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

7. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев